

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

137 Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш
ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинча-
лик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1390-1*

(2012 йил 30 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 285-модда), 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 2-сон, 8-модда) қарорларига, шунингдек мамлакатимиз енгил автомобилларининг сотилиши бўйича ҳисоб-китоб тизимини кейинчалик такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 12 июлда РА-01-8-31, 95, 2004-49, 256-В-сон қарори (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 30-сон, 347-модда) билан тасдиқланган Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2012 йил 20 февраль,
17-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

137-модда

— 62 —

12 (512)-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 20 февраль,
20-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 20 февраль,
2012-9-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 20 февраль,
4/1-сон